



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ АУДИТИ ТАҲЛИЛИ

Каримова Мавжуда Боходировна

"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси катта ўқитувчиси,

НамМТИ. mavjudakarimova2@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7479077>

ARTICLE INFO

Received: 14th December 2022

Accepted: 23th December 2022

Online: 24th December 2022

KEY WORDS

Асосий восита, асосий воситаларни қабул қилиш-топишириш далолатномаси, асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси, асосий воситаларни динамикаси синтетик ҳисоб, асосий воситалар аудити таҳлили, асосий воситалар билан таъминланганлик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиб бориши жараёнида корхоналарда асосий воситаларни аудити билан боғлиқ масалалар ўрганилган, шунингдек, асосий воситалар аудитини "ABC" МЧЖ мисолида таҳлил этилган.

Мамлакатда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятидаги суғуртавий муносабатларнинг ривожланганлик даражаси асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Суғурта компаниялари сонининг ортиши тадбиркорлик субъектларига танлаш имконини беради, суғурта хизматлари сифати яхшиланиб суғурта бозорида рақобат муҳитини шакллантиради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан суғурта компанияларининг суғуртавий

муносабатларида суғурта тарифларини тўғри аниқлаш муҳим ўрин эгаллайди. Унинг аҳамияти шундаки, суғурта компанияси суғурта шартномаларидаги мажбуриятларни математик ўлчовини талаб қилувчи, мазмуни ва тавсифи турлича бўлган суғурта тўловлари турларини оширади. Таҳлилларда аниқланишича актуар ҳисоб-китобларни ташкил қилишда аниқ бир суғурта турига боғлиқ бўлмаган умумий масалаларни ҳисобга олиш талаб этилади. Барча актуар ҳисоб-китобларнинг услубий бирлигига қарамасдан, уларнинг амалиёти суғуртанинг алоҳида соҳалари ва турлари хусусиятлари билан боғлиқ турли туман вариация ва вариантларда



амалга оширилиши тадқиқот натижаларида аниқланади. Актуар ҳисоб-китоблар ёрдамида тўлаш учун тақдим этиладиган суғурта тўловларининг ҳажми аниқланади. Бу ерда суғурталанган мол-мулкнинг шикастланиши ёки нобуд бўлиши талаб даражасида аниқлаш ўта муҳим. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, суғурталанган мол-мулк йўқолганда йўқотилган мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати миқдорида, суғурталанган мол-мулк қисман шикастланганда тиклаш харажатлари миқдорида; зарар миқдорини камайтириш харажатлари амалга оширилганда-ушбу харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган миқдорда, аммо суғурта пулининг 2 фоизидан ошмаган миқдорда қоплаб берилиши аниқланди.

Эътиборли жиҳати агар йўқотилган мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати суғурта пулидан ошиб кетса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектидан суғурта мукофотининг етишмаётган қисмини қўшимча тарзда тўланиши талаб қилинади. Акс ҳолда эса унинг акси яъни суғурта қопламасининг миқдоридан айириб қолинади. Аниқланишича тиклаш билан боғлиқ харажатлар: тиклаш учун материаллар учун харажатлар ҳамда тиклаш бўйича ишлар учун тўлов харажатларидан иборат. Барча харажатлар тиклаш харажатларига киритилавермайди. Масалан, вақтинча ёки қўшимча таъмирлаш ёки тиклашдан келиб чиққан харажатлар, заруриятдан ортиқ бошқа ҳар қандай харажатлар шулардан иборат.

Олиб борилган ҳисоб-китоблардан аниқланишича, зарар тўлалигича зарар

етишида жавобгар шахс ҳисобидан ҳам қопланиши мумкин. Шундай ҳолатда учинчи шахс томонидан қоплаб беришга, кичик бизнес субъектлари товон пулини олишга ҳақли эмас. Бунда зарар қисмини ёки тўланиши лозим бўлган суғурта товонидан кам миқдорда қопланса суғурта товони суғурта компанияси тадбиркорлик субъектига аввал олган қопламаларини ҳисобга олган ҳолда тўлаб беради. Шартнома талабидан келиб чиқиб, суғурта компанияси тадбиркорлик субъектига суғурта товонининг туловини суғурта ходисаси тўғрисидаги далолатнома имзолангандан кейин 15 кун кун ичида амалга оширади.

Суғурта тўловларининг ҳажмини ҳисоблаб чиқаришда ҳисоб-китоблар бирлиги турли иерархик тенгликларда, яъни бутун мамлакат учун, алоҳида ҳудудлар бўйича уларнинг ҳар бирини хусусиятлари ва таваккалчиликларни замонда ва маконда намоён бўлишидаги турличаликларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилиши мумкин. Алоҳида суғурта турлари бўйича актуар ҳисоб-китобларнинг бошқа бир хусусияти шундаки, мулкий гуруҳда таваккалчиликларнинг катта тебранишлари мавжудлиги сабабли таваккалчилик учун махсус қўшимча белгиланади. Бундай қўшимча шахсий суғурта бўйича актуар ҳисоб-китобларда, одатда, ҳисобланмайди, аммо суғурта йиғиндиси ҳажми етарлича катта, суғурта суммалари эса, нисбатан катта эмас.

Актуар ҳисоб-китобларни ташкил қилишда инсон фаолиятидаги ижтимоий ҳолатларнинг таъсирини ҳам ҳисобга олиш лозим. Актуар ҳисоб-китоблар амалиётидаги аниқ хулосалар



давр, ўрин ва суғурта тури билан боғлиқдир. Актуар ҳисоб-китоблар суғурталовчи ўз олдига қўйган мақсадлардан ва мамлакатнинг умумиқтисодий шарт-шароитидан келиб чиқиб белгиланади. Бу шуни англатадики, мавжуд айнан бир хил объектив омилларнинг (рискнинг пайдо бўлиши, эҳтимоллик даражаси, иш юритиш харажатлари) айрим ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқлигидан келиб чиқиб, охирги актуар ҳисоб-китоблар бир неча вариантларда бўлиши мумкин.

Суғурта компанияси томонидан амалга ошириладиган актуар ҳисоб-китобларни бир неча белгилари ва турлари бўйича туркумланиши мумкин. Шунингдек, улар даври бўйича режали ва ҳисобот (кейинги) актуар ҳисоб-китобларга туркумланади. Амалиётда, одатда, суғурта компаниясининг амалга оширган операциялари бўйича кейинги актуар ҳисоб-китоблар тузилади. Бу ҳисоб-китоблар суғуртанинг мазкур тури бўйича суғурта компаниясининг кейинги фаолиятига хизмат қилади.

Режали актуар ҳисоб-китоблар фақатгина суғуртанинг янги турини киритиш кўзда тутилаётганда рискни қандайдир ҳаққоний кузатуви етишмаганда тузилади. Одатда, компания томонидан амалга оширилиб келинаётган мазмун жиҳатдан яқин ёки ўхшаш суғурта турлари бўйича актуар ҳисоб-китоблар натижаларидан фойдаланилади. Уч-тўрт йил ўтганидан сўнг режали актуар ҳисоб-китоблар олинган статистик маълумотлар

таҳлилини ҳисобга олиб тузатишлар киритилади. Шу йўсинда режали актуар ҳисоб-китоблар ҳисобот (кейинги) актуар ҳисоб-китобларга айланади. Актуар ҳисоб-китоблар бош белгисига мувофиқ умумий (бутун мамлакат учун) ва ҳудудий (алоҳида ҳудуд учун) бўлиши мумкин.

Актуар ҳисоб-китоблар натижалари бўйича олинган суғурта калькуляцияси таркибий тузилиши калькуляцияга киритилган алоҳида харажат элементлари ўртасидаги мутаносибликлар билан боғлиқ бўлади. Бу суғурта калькуляциясини тўла ва алоҳида элементларини таҳлил қилиш имконини беради. Вақт ўтиши билан суғурта калькуляциясининг таркибий тузилишида рисклардаги ўзгаришлар, янги суғурта сиёсати, бозордаги рақобат кураши ва бошқалар билан асосланувчи ўзгартишлар бўлиб туради. Шу ўринда тадқиқот объекти сифатида ўрганилган Узагросуғурта компанияси Наманган вилояти бўлими томонидан кўрсатилаётган молиявий таваккалчиликлар суғуртаси бўйича тарифларни келтириб ўтамиз. Унга кўра молиявий таваккалчиликларни суғурталаш бўйича суғурта тарифларининг энг юқори ставкалари молиявий таваккалчиликлар ҳамда тадбиркорлик хавфини суғурталаш (4,0) турларига тўғри келади. Кейинги ўринларда кредитларни қайтарилмаслиги ҳамда микрокредитларни суғурталаш бўйича суғурта тарифлари (3,0) туради. (2-жадвал)

2-жадвал

Узагросуғурта компанияси томонидан молиявий таваккалчиликлар суғуртаси бўйича суғурта тарифлари

		Кичик суғурта
--	--	---------------



Т.р.	Суғуртанинг турлари	тарифлари миқдори (йиллик)
1.	Банкротликдан	1,0
2.	Молиявий таваккалчиликлардан	4,0
3.	Экспорт контрактларини суғурта қилиш	0,5
4.	Кафилликни суғурта қилиш	
	Ҳукумат қарори бўйича (ДУК)	1,5
	Бошқалар	2,0
5.	Кредитларни қайтарилмасликни суғурталаш	3,0
6.	Тадбиркорлик хавфини суғурталаш	4,0
7.	Тўлов контракт асосида ўқиш учун берилаётган таълим кредитларини суғурта қилиш	2,5
8.	Микрокредитларни суғурталаш	2,5
9.	Микрокредитлар кам таъминланган оилалар учун	1,0

Иқтисодий юксакликка эришган давлатлар тараққиётига назар ташлайдиган бўлсак, суғурта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ажралмас бир бўлагига айланган. Бугунги кунда АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи давлатларида кўплаб тадбиркорлик субъектлари маҳсулот ишлаб чиқариш, сақлаш,

етказиб бериш, техник хизмат кўрсатишдан ташқари бутун мол-мулкни, ишчи ходимларини, уларнинг фарзандларини тўлиқ суғурталагани айти ҳақиқатдир. Бу бежиз эмас, албатта. Улар суғуртани “тинч ҳаёт кечириш учун тўлов”, деб ҳисоблайдилар.



1-расм. Суғурта тармоқлари бўйича суғурта компаниялари сонидаги



Ўзгаришлар динамикаси ва тенденцияси¹Республикада фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларининг сонини суғурта тармоқлари кесимида ўрганадиган бўлсак, 32 таси умумий, 8 таси ҳаётни суғурталаш тармоғида фаолият юритмоқда. Эътиборли томони, бундан 17 йил аввал мамлакатимизда 20 та суғурта компанияси фаолият олиб борган бўлсада, ҳаётни суғурталашга оид суғурта компаниялари мавжуд бўлмаган. 1-расм маълумотларидан, 2012 ва 2020 йилларда республикаимизда фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари сонининг динамикасида нотекис ўзгаришлар содир бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, 2009 йилда суғурта компанияларининг сони 33 тани ташкил этган бўлса (31 таси умумий ва 2 таси ҳаётни суғурта қилиш), 2015 йилга келиб мазкур кўрсаткич 3 тага камайган. Бу даврда суғуртанинг ҳаётни суғурта тармоғида суғурта компаниялари сонининг барқарор ўсиб борганлиги кузатилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.



2-жадвал

Молиявий хизматлар таркибида суғурта мукофотлари улушининг ўзгариши²

Т.р.	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2012 й.	2014 й.	2016 й.	2018 й.	2020 й.
1.	Молиявий хизматлар ҳажми (млрд.сўм)	4208,8	6728,2	9898,4	21296,3	45817,3
2.	Суғурта мукофотлари ҳажми (млрд.сўм)	285,9	439,1	692,6	1635,2	2213,7
3.	Молиявий хизматлар таркибида суғурта мукофотларининг улуши (фоиз)	6,8	6,5	7,0	7,7	4,8

² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.



Юқоридаги жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, 2020 йилда жами молиявий хизматлар ҳажмида суғурта мукофотларининг салмоғи 4,8 фоизни ёки 2213,7 млрд.сўмни ташкил этган. Бироқ, ушбу кўрсаткич айрим йиллари бироз юқори бўлиб, масалан, 2018 йилда 7,7 фоизга, 2016 йилда эса 7,0 фоизга тенг бўлган. Умуман сўнгги 10 йилда суғурта мукофотларининг молиявий хизматлар таркибидаги салмоғи 8,0 фоиздан ошмаган. Бунинг асосий сабаби, юқорида қайд этилганидек, суғурта хизматлари ҳалигача мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига сезиларли таъсир этадиган омилга айлана олмаётганлигидадир.

Республикада суғурта хизматларига бўлган талабнинг пастлиги бозорда соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига халақит бермоқда. Тадбиркорлик субъектларининг тўлов қобилияти, даромадлилик даражаси ва суғурта маҳсулотлари ҳақида етарли ахборотга эга эмаслиги, шунингдек, улар учун қулай нарх шартларини назарда тутувчи суғурта тарифларининг етарли даражада яратилмаганлиги суғурта хизматларига бўлган талабнинг паст бўлишига сабаб бўлмоқда.

Фикримизча, суғурта фаолиятини ривожлантириш учун соҳа хизматларига бўлган талабни рағбатлантириш механизмини жорий этиш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг суғурта хизматларини сотиб олишга бўлган қизиқишларни оширадиган самарали тизимни яратиш лозим. Масалан, суғурта компаниясига мунтазам равишда ўз фаолиятини

суғурта қилдирадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзли суғурта тарифларини жорий этиш орқали суғурта хизматларидан фойдаланишда манфаатдорликни таъминлаш.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни суғуртавий ҳимоялаш тенденцияси, динамикаси, ҳозирги ҳолати шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги куннинг талабларига жавоб бермайди. Салбий ҳолатни олдини олиш мақсадида ривожланган давлатларнинг суғурта компанияларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига оид муносабатлари, тажрибаларини ўрганиш ҳамда ҳозиргача амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаган ҳолда суғурта фаолиятини ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш зарур бўлади. Жумладан: биринчидан, суғурта мукофотлари ва тўловларини белгилаш бўйича суғурта компанияларининг эркинлигини таъминлаш;

иккинчидан, суғурта компанияларида агентлик тармоқларини кенгайтириш ва ривожлантириш; учинчидан, давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ҳаёт суғуртасини рағбатлантириш тизими амалиётдан фойдаланишни йўлга қўйиш; тўртинчидан, тадбиркорлик субъектларининг тўлов қобилиятини ҳисобга олган ҳолда адолатли тариф ставкаларини белгилаш ва назорат қилиш муҳим ўрин тутди. Демак, келтирилган таклиф ва тавсиялар кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик



субъектлари ва суғурта компаниялари
ўртасидаги интеграцион

муносабатларни

муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

мустаҳкамлашда

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувлари ролини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори.
2. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни. -Т.: 2016й.
3. Аудиторлик фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни.-Т.: 2000.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳархиссадорлик жамиятиатларининг таркиби тўғрисидаги» Низом. ЎР ВМ нинг 2003 йил 11 июндаги 261, 16 июндаги 270, ва 15 октябрдаги 444 – сонли Қарорлари билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
5. Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларини аҳамиятини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 365-сонли Қарори. Т.: -2000.
- 6.Ваҳобов А., Иброҳимов А., Ишонқулов Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик жамияти, 2005 йил, 292-бет.
- 7.“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404. 8.Abduvaxidov F.T., Qo'ziyev I.N., Dadabayev Sh.X. Buxgalteriya hisobi. Darslik. –Т.: TDIU, 2019. – 403 b.
- 9.Akbarov G'ayratjon Nemadjonovich, Aliboyev Jasurbek Bahromjon o'g'li. (2022). DEVELOPMENT OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP RELATIONS IN UZBEKISTAN. EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES, 2(13), 125–131. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7461208>
- 10.Norbekov D., Misirov K., Tashmanov G'. Moliyaviy va boshqaruv hisobi. O'quv qo'llanma. – Т.: Iqtisod-moliya, 2018. –194 b.
- 11.Jo'raev N., Abdvaxidov F., Sotivoldieva D. Moliyaviy va boshkaruv hisobi. Darslik. -Т.: “Iqtisod –moliya” nashriyoti, 2012 y, 481bet
- 12.<http://www.ref.uz>.
- 13.<http://www.saldo.ru>.
14. [www. inter-pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru)
- 15.<http://www.iaa.org.uk>
16. <http://www.ziyonet.uz>.
- 17.www.stat.uz маълумотлари